

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН:

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг “Бирламчи тиббий санитария муассасаларида фаолият юритаётган шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча ҳар ойлик устама тўланадиган олис ва чекка ҳудудлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 19 сентябрдаги 510-сонли қарори асосида Сурхондарё вилоятида 48 та маҳаллалар рўйхати тасдиқланди.

Бунда олис чекка ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликилиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча 2 миллион сўм миқдоридаги ҳар ойлик устама белгиланиши ҳамда уларга ипотека асосида уй- жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизигача қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробаридан ошмаган миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши, олис ва чекка ҳудудларда узлуксиз уч йил ишлаган шифокорлар клиник ординитурага тест синовларсиз қабул қилиниши белгиланган.

Ҳозирги кунда Музработ туманидаги “Файзобод”, Кумкўргондаги “Ариқочган” ва “Хўжамулки”, Шеробод туманидаги “Корабоғ” ва “Мехробод” ҳамда Узун туманидаги “Толтўғай” МФЙ да врачларга бўлган эҳтёж мавжуд бўлиб ушбу ҳудудларда ишлаш истагини билдирган шифокорларни ишга таклиф этамиз.